

## ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАР БИЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

ф.-м.ф.н., доцент *А.Мавлянов*

т.ф.н., доцент *И.К.Каримов*

*Астрахан давлат техника университети*

*Тошкент вилояти филиали*

**Аннотация:** ушбу мақолада бугунги кунда таълим сифатини ошириш йўлидаги муаммолар, уларни бартараф этиш ҳамда истикболини белигилаш йўлидаги фикр ва мулоҳазалар, жумладан, ўқув дастурларни такомиллаштириш, ўқув машғулотларини лойиҳалаш, илмий тадқиқот ишларини давр талаблари асосида ташкил этиш, бу борада хориж тажрибаларидан фойдаланиш, таълим олувчиларнинг касбий сифатлари ҳамда мантиқий фикрлаш операцияларни ривожлантириш ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** фан ва техника, таълим, тарбия, ўқув дастури, давлат таълим стандарти, билим, кўникма, малака, компетенция, касбий сифат, мантиқий фикрлаш, метод, технология ва бошқалар.

**Аннотация:** в статье рассматриваются проблемы повышения качества образования, их решения и перспективы, в том числе совершенствование учебных программ, проектирование обучения, организация исследований в соответствии с требованиями времени, использование зарубежного опыта, профессиональные качества и развитие операций логического мышления.

**Ключевые слова:** наука, образование, воспитание, учебная программа, государственный образовательный стандарт, знания, умения, навыки, компетентность, профессиональное качество, логическое мышление, метод, технология и другие.

**Annotation:** this article discusses the problems of improving the quality of education today, their solutions and perspectives, including the improvement of curricula, training design, organization of research in accordance with the requirements of the time, the use of foreign experience in this area, professional qualities and the development of logical thinking operations.

**Keywords:** science, education, upbringing, curriculum, state educational standard, knowledge, skills, qualifications, competence, professional quality, logical thinking, method, technology, etc.

## КИРИШ

Бугунги кунда республикамизда таълим тизимини модернизация қилиш, ўқитишнинг инновацион технологияларини жорий этиш, мустақиллик, ижодкорлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик каби касбий сифатларга эга ёшларни тайёрлаш ҳамда бу борада таълим сифати ва самарадорлиги оширишга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда.

Лекин, таҳлил ва ўрганиш натижалари ҳозиргача бу борада айрим муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Жумладан:

- олий таълим муассасалари (ОТМ)да малакали педагогларнинг етишмаслиги, уларни тайёрлашда амалиётга жорий этилган ўқув режа ва дастурларининг яратилишида соҳадаги ислохотлар тўлиқ инobatга олинмаслиги ҳамда улар мазмунан эскирганлиги;

- талабаларнинг назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлашда ҳамда иқтидорли ёшларнинг креатив ғоялари амалиётга татбиқ этилишида тизимли ва инновацион фаолият тўғри йўлга қўйилмаганлиги;

- педагоглар томонидан талабаларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув машғулотлари ташкил этилмаганлиги;

- педагоглар томонидан инновацион педагогик технология ва методларини амалиётга кенг жорий этилмаслиги;

- ОТМлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги;

- ўқув машғулотларида талабаларга баҳслашиш, ўзининг фикрини баён этишга имкон жуда кам берилиши, айрим машғулотларда педагоглар эски маълумотларни такрорлаш билан чекланиб қолаётганлиги, уларнинг талаб даражасида тайёргарлик кўрмаганлиги, билим ва касб савиясининг пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, компетентликлари эса етарли даражада эмаслиги сезилмоқда.

Бу муаммоларни бартараф этиш педагогларнинг малакасини мунтазам оширишни, бунда альтернатив усулларни қўллаш ҳамда тинимсиз изланишларини йўлга қўйиш вазифаларини амалга оширишни тақозо этади. Бу ўз навбатида педагога катта масъулият юклайди.

Маълумки, ОТМларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида асосий вазифалар сифатида [1]:

- ОТМлардаги таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- инновацион ва технологик ғояларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг инновацион технологияларни яратиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш юзасидан аниқ чоралар кўриш;

- ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил этиш;

- асосий эътиборни талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш алоҳида белгиланган.

### МЕТОДЛАР

Албатта, республикамизнинг ҳар томонлама ривожланиши таълим сифатига боғлиқ. Бугунги кунда таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани таълим сифатини яхшилаб боришни тақозо этади. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлашда ягона давлат талаблари асосида таълим жараёнини такомиллаштириш, янги авлод ўқув-адабиётларини яратиш, педагогларга узлуксиз услубий хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш муҳим вазифалардан биридир [2, 3, 4].

Бугунги тез ўзгарувчан иқтисодий-ижтимоий ҳаёт талабалар дунёқарашини шакллантиришда янги педагогик технологиялар ва улар асосида яратилган интерфаол усуллардан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Билим қанчалик мустаҳкам бўлса, талабалар дунёқарашини, интеллектуал салоҳияти шунчалик ривожланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон фармонида ҳам илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш, мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгариланишни таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга ошириш кўрсатиб ўтилган [5].

Ушбу фармонда:

- барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш;

- илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш;

- илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;



- ўқув-тарбия жараёнига янги таълим дастурларини, замонавий педагогик технологиялар ва smart-технологияларни жорий этиш орқали таълим муассасаларида ўқитиш сифатини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган.

Таълим сифатини ошириш, илм-фаннинг энг сўнги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, касб-хунарли, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, ташаббускор ва тадбиркор, ўз жавобгарлигини ҳис этадиган ёшларни тайёрлаш вазифаларини амалга ошириш назарда тутилади. Ушбу вазифаларни самарали ҳал этиш таълим жараёнида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишни тақозо этади. Уларни қўллаш, аввало, педагогик муносабатларни инсонпарварлаштиришни талаб этади. Чунки, уни амалга оширмай туриб қўлланган ҳар қандай технология қутилган самарани бермайди.

### НАТИЖАЛАР

Таълим сифати, унинг мақсад ва вазифаларини, мазмунини, шакл, метод, технология ва воситаларини тўғри танлаш муҳим. Ҳар бир машғулот талабаларда ўқув-билиш компетенцияларини шакллантиришга, ўқув адабиётларидан керакли ахборотларни мустақил топишга йўналтирилган бўлиши лозим. Машғулот сифати ўқиладиган, таҳлил қилинадиган мавзуга педагогнинг масъулият билан ёндашиши, унинг мазмунини талабаларга етказишга қаратилган маҳорати, машғулотни бугунги кун талаби асосида ташкил этиш ва бошқариш услубий фаолияти билан белгиланади [6, 7]. Педагог мавзунини ёритиш учун унинг муҳим бўлган назария билан асосланганлиги, фикрларни мантиқан боғланганлигини тушунтира олса, маълум мақсадга эришган бўлади. Бунинг учун замонавий ўқитиш технологиялари имкониятлари ва усулларидан фойдаланиш зарур.

Жумладан, машғулотда муаммоли, модулли, лойиҳалаш, эвристик каби ўқитиш технологияларидан фойдаланиш талабаларни ижодий ва мустақил фикр юритишга ўргатиш, уларда ўз қобилиятига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, масъулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутати. Бу технологиялар талабаларнинг берилган топшириқларни сифатли бажаришга, ўқув материалларини пухта ўзлаштиришга замин тайёрлайди.

Бугунги кунда ўқув машғулотлари сифатини ошириш масаласига янгича ёндашиш, бажарилган ишлар билан чекланмасдан, уни мунтазам равишда такомиллаштириш, янги услуб ва шакллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш муҳим ҳисобланади. Ҳар бир таълим йўналиши бўйича:

- ўқув машғулотининг мантикий-тузилиш шаклини (ўқув машғулотларини ташкил этишда кетма-кетлик) аниқлаш, уларни бевосита ҳаёт талабларига мослаштириш;

- муаммоли топшириқларни тузиш, улар асосида услубий тавсиялар ва кўрсатмаларни тайёрлаш;
- педагогик технологияларнинг замонавий турларини қўллаш, тажрибадан ўтказиш, натижаларига қараб, ўқув жараёнига жорий этиш;
- шу тариқа талабаларда касбий компетенцияларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга эришиш;
- педагоглар фаолиятини рағбатлантиришда барчага бир хил ёндашиш тамойилларидан воз кечиш, унинг ўрнига фаоллигига ҳамда машғулотлар сифатини оширишга тааллуқли бўлган муайян ишининг сифати, ҳажмига қараб рағбатлантириш лозим.

### МУНОЗАРА

Ўқув машғулотида асосий эътиборни мақсад ва вазифаларни аниқлашга қаратиш, педагог ва талабаларнинг самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш, инновацион педагогик технологиялар ҳамда улар асосида яратилган интерфаол усуллардан фойдаланиш, натижаларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, унинг барча шакллари янги техника ва технология ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш, талабаларда мустақил фикрлаш, ижодий қобилият, касбий маҳоратларини замон талаблари даражасида шакллантириш, ўқув машғулотини ноанъанавий ўқитиш ва илмий-тадқиқот ишлари билан узлуксиз алоқасини яратиш, касбий, иқтисодий қизиқишларни уйғотиш, мустақил тарзда керакли маълумотларни йиғиш, муаммони аниқлаш, ечимларини топиш, эгаллаган компетенцияларни танқидий таҳлил этиш ва уларни янги вазифаларни ҳал этишда қўллашга тизимли ва ижодий ёндашишга қаратиш лозим [8].

Ушбу муаммоларни бартараф этишда қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим:

- ўқув дастурларини илғор халқаро тажрибалар асосида тажрибали педагог ҳамда мутахассислар билан келишган ҳолда тубдан такомиллаштириш, керак бўлса уларнинг вариатив вариантларини ишлаб чиқиш;
- талабаларда танқидий, креатив фикрлашни, янги ёндашув услубларида қобилиятларини шакллантириш;
- назарий ва амалий билимларни яхлитлигини таъминлашга йўналтирилган илғор тажрибаларни татбиқ этган ҳолда янги авлод ўқув адабиётларини яратиш;
- ўқув машғулотида талабалар фаоллигини оширишни назарда тутувчи муаммоли савол ва топшириқларни ишлаб чиқиш;
- ўқув-билиш компетенцияларини ривожлантириш мақсадида талабалар учун тажрибалар ўтказиш, моделлар ясаш, лойиҳалаш, моделлаштириш, муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни бартараф этиш, ўз ғояларини ҳаётга жорий қилишга йўналтирилган рағбатлантириш тизимини яратиш;

- республика ва хориждаги етакчи мутахассис-олимлар маърузаларини ҳамда вебинар машғулотларини онлайн аудио-видео кўрсатувлар кўринишида ташкил қилиш;

- ижтимоий-иқтисодий соҳалардан келиб чиқиб ўқув қўлланмаларининг янги авлодини (масалан, физика дарслиги бўйича: тиббиёт-физикаси, транспорт физикаси, енгил саноат-физикаси) яратиш;

- ҳар бир фан бўйича ўқув йили учун “Фан йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш;

- педагогларнинг “Таҳлил-муаммо-ечим-натижа” (ТМЕН) структурали кластери асосида ўқув машғулотларининг ташкил этилишини йўлга қўйиш;

- талабаларнинг ўзлаштирган билимларини баҳолашда барча баҳолаш тизимлари (рейтинг, 5 балли) дан воз кечиб “яхши ўзлаштирган, ўртача ўзлаштирган, паст ўзлаштирган” тизимни киритиш (Изох: аъло бу идеал тушунча. Ўзлаштирмади деб ҳисоблаш нотўғри, чунки биз мактабгача таълимда, умумий ўрта таълимда, профтаълимда, қолаверса олий таълимда болани шунча йиллар нимага ўқитдик);

- илмий-тадқиқот ишларида асосан: тадқиқот ишининг таҳлили, таҳлил асосида аниқланган муаммолар, муаммони ечишга қаратилан мақсад ва вазифалар, уларни амалга оширишга йўналтирилган метод, технология ва воситалар, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, олинган натижалар ва уларнинг амалиётга тадбиғи, хулосар ва таклифларга эътиборни қаратиш.

Шу билан бир қаторда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- педагогларнинг ўз касбий фаолияти бўшлиқларни тўлдириш устида мунтазам ишлаши;

- талабалар билан Интернет тармоқлари ёки телеграмм орқали боғланиб туриш, ўз фани юзасидан уларга муаммоли вазифаларни таклиф этиб бориш ва бажарилишини назорат қилиш;

- ҳаётий, турмуш, фан, техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга бағишланган маълумотлардан талабаларни хабардор қилиб бориш;

- маърузалар слайдини яратиш, уларда лойиҳалаш ва моделлаштириш-га эътиборни қаратиш;

- ўқитиш шакллари, методлари, воситалари ва технологияларини такомиллаштириш ҳақида ўйлаш;

- инновацион педагогик технологиялар ва улар асосида яратилган интерфаол усулларни яхшилаб ўрганиш;

- талабаларнинг касбий сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган – муаммоли ўқитиш, лойиҳалаш, эвристик, модулли ўқитиш технологияларидан мунтазам фойдаланиш;



- талабаларга келажакда яхши мутахассис бўлиб етишишларида мавжуд тажриба ва маҳоратини аямаслик ва бошқалар.

Таълим сифатининг ошиб бориши дарс бериш жараёнида қўлланилаётган инновацион педагогик технологияларни турли йўналиш ва мақсадларда қўлланилаётганлигига боғлиқ. Бу технология ҳар томонлама пухта ўйланган педагогик лойиҳалаштириш, таълим жараёнини ташкил қилиш ва албатта талаба ҳамда педагог учун қулай шарт-шароит яратиш орқали ҳамжиҳатликда ишлаб чиқилган моделдир [9]. Бу технологиянинг асосийлари сифатида муаммоли ва эвристик ўқитиш технологияларини олиш мумкин.

Муаммоли ўқитиш технологиялари талаба фаолиятини фаоллаштиришга асосланган. Унинг асоси талабаларнинг фикрлаши муаммоли вазиятни ҳал этишдан бошланиши ҳамда унинг муаммоларни аниқлаш, тадқиқ этиш ва ечиш қобилиятига эга эканлигидан келиб чиқади. Ушбу технологиянинг талабалар ижодий тафаккури ва қобилиятларини ўстиришдаги аҳамияти катта. Бу технология педагог бошқаруви остида талабалар онгида муаммоли вазиятларни шакллантириш ва уларни ушбу муаммоларни ечишга қаратилган мустақил фаолиятни ташкил этишни назарда тутувчи таълим жараёнидир. Бунинг натижасида ўқув-билиш компетенцияларини ижодий ўзлаштирилиши ҳамда ривожланишига эришилади [10].

Муаммоли ўқитиш технологиясида талаба диққат билан тинглаши, мустақил фикрлаши, таҳлил қилиши, муҳокама қилиши ва ўз фикрини эркин баён қила олиши керак. Бу уларга билимларни амалий фаолиятида самарали ўзлаштиришга ёрдам беради, келажакдаги вазиятларда унумли фойдалана олишни, муаммоларни еча билиш, мустақил изланишга ўргатиш, ижодий тажрибага эга бўлиш ҳамда ўқув жараёни вазифаларини таҳлил қилиш имкониятларини очиб беради.

Ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган эвристик технология - муаммоли ўқитиш тизимидаги асосий технологиялардан бири бўлиб, талабаларга узлуксиз равишда ўзлари учун янгиликларни кашф этишга имкон яратади.

Эвристика - грек. *heurisko* - “излайман”, “топаман”, “кашф этаман” деган маънони билдиради, у “эврика” сўзидан келиб чиққан бўлиб, грек. *"heurisko"* - “топаман” деганидир.

Эвристик технологияда талабада ижодкорлик, янгилик яратиш қобилиятини ривожлантириш ғояси етакчилик қилади. Бу технология негизини савол-жавоб шаклидаги суҳбатлар ташкил этиб, бунда педагог талабаларга тайёр билимларни бермай, балки уларнинг аввал эгаллаган билимлари, ҳаётий тажрибалари, кузатишларига таянган ҳолда, муаммоли саволлар, топшириқлар орқали янги тушунчалар, хулоса ва қоидаларни ўзлари очишларига шароит яратади.

Таълимнинг сифатини оширишда педагоглар билим ва касбий маҳоратининг давр талабларига мослиги, ўқитишда инновацион таълим технологияларидан оқилона фойдаланиши, ташкил этилаётган дарсларнинг самарадорлиги, талаба яхши ўзлаштириши учун ҳар бир мавзунинг педагогик ва ахборот технологияларни қўллаган ҳолда ўтилишини таъминлаш талаб этилади. Ўқитишда компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни амалиётга жорий этиш, талабаларда эгаллаган билимларини ҳаётда қўллай олиш, касб танлаш, мустақил таълим олиш, ўқув-билиш компетенцияларини ривожлантириш долзарб вазифалардан биридир. Шу мақсадда педагогнинг касбий билимдонлиги ва қобилияти мезонларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Таълим сифатини оширишда педагогнинг касбий билимдонлиги ва қобилияти мезонлари:

- ижтимоий билимдонлик (дарсда талабалар билан самарали ўзаро ҳамкорлик ва муомала шаклини ташкил этиш, улар билан тил топиш ва соғлом маънавий муҳитини яратиш);
- услубий билимдонлик (ўз билимини талабаларга тушунарли тилда етказиш, таълим технологияси ва методларидан самарали фойдаланиш);
- ихтисослик билимдонлик (ўз фани соҳаси бўйича чуқур ва ҳар томонлама мукамал билимларга эгалик, ўз устида ишлаши, талабанинг илмга, янгиликларга бўлган қизиқиши, янгиликлардан хабардорлиги);
- билиш қобилияти (ўз фани соҳасидаги янгиликлар, ўзгаришлар ва кашфиётларни мунтазам ўрганиб бориши, илмий-тадқиқот ишларини бажариши);
- тушунтира олиш қобилияти (ўқув материални талабаларга содда, тўғри, тушунарли қилиб баён этиши, уларда мустақил фикрлашга мотивация уйғотиши);
- кузатувчанлик қобилияти (талаба шахсини тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик кузатувчанлик);
- нутқ қобилияти (нутқ ёрдамида, имо-ишора воситасида ўз фикр ва мулоҳазаларини аниқ ифодалаши);
- ташкилотчилик қобилияти (талабалар жамоасини уюштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантириш, ўз ишини ташкил этишда ишни тўғри режалаштириши ва уни назорат қилиши, вақтни тўғри тақсимлаши, белгиланган муддатда улгуриши);
- обрў орттира олиш қобилияти (талабаларга бевосита эмоционал- иродавий таъсир кўрсатиш, меҳрибонлиги, ҳалол-покизалиги);
- тўғри муомала қила олиш қобилияти (самарали ўзаро муносабат ва ҳамкорликни ўрнатиши);



- келажакни кўра билиш қобилияти (ўз иши натижаларини кўра олиши, талабанинг келгусида қандай мутахассис бўлиб етишишини тасаввур қилиши)ни ўз ичига олади.

Шу билан бир қаторда фикрлашнинг алгоритмик усулларига:

- таққослаш (объект ва мақсадни аниқлаш, ўхшашларини топиш, асосий белгиларини ажратиб олиш);

- таҳлил қилиш (объект ва мақсадни аниқлаш, объект ва ҳодисани муҳим қисмларга фикран ажратиш, уларнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш, хулоса чиқариш);

- синтез (мақсадни аниқлаш, ажратилган айрим қисмлар нима асосида бирлаштирилишини топиш, боғланишларнинг аҳамиятини аниқлаш, бирлаштиришни амалга ошириб, олинган маълумотни режа кўринишга келтириш);

- классификация (мақсадни аниқлаш, ажралувчи қисмларни таърифлаш, синфларга ажратишнинг асосини аниқлаш ва синфларга бўлишни бажариш, натижасини текшириш);

- умумлаштириш (мақсадни аниқлаш, асосий элемент, далил ва муҳимларини ажратиб олиш, уларни таққослаш, умумлаштириш натижасида хулоса чиқариш);

- индукция (мақсадни аниқлаш, далил, ходиса, хусусият кабиларни тўғри тасаввур қилиш, уларни таърифлаш, олинган далилларни таҳлил қилиб, улар орасидаги боғланишларни аниқлаб, умумий хулоса чиқариш);

- дедукция (мақсадни аниқлаш, дастлабки умумлаштириш аҳамиятини ифодалаш, унинг ичидаги далил ва ходисаларни топиш ҳамда моҳиятини тушунтириш);

- абстракциялаш (мақсадни аниқлаш, ўрганилувчи объект тўғрисида таянч билимларни топиш, объектининг асосий белги ва хусусиятларини ажратиб олиш, боғланишлар бўйича объектни таърифлаш);

- таърифлаш (тушунча аҳамиятини аниқлаш, асосини топиш, бу тушунчани бошқа тушунчалардан фарқ қилувчи белгиларни кўрсатиш, таққослаш);

- асослаш (режа, қонун ва назариянинг тўғрилигини асослаш, нимани асослаш кераклигини аниқлаш, режа асосида ифодалаш, асослашда барча аргументлар қамраб олинганини текшириш, асослашни мустаҳкамловчи мисолларни, тажрибаларни кўрсатиш);

- хулоса чиқариш (берилган ходисанинг юз бериш сабабини топиш, муҳим белгиларини аниқлаш, ходисанинг юз бериш қонуниятини текшириш)га алоҳида эътибор қаратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ўқув дастури мазмуни ва структурасини такомиллаштириш жуда муҳим. У педагог учун “кўзгу”

вазифасини бажариши лозим. Чунки, инсон кўзгу (ойна)га қараб ўзининг бутун бир вужудини кўради. Шунинг учун ҳам педагог ўз фани бўйича ўқув дастурига қараб, бутун бир фаолиятини, ўқув машғулотида талабаларга етказиши лозим бўлган жараён боришини, унда амалга ошириши лозим бўлган вазифаларни эслайди. Лекин, амалдаги ўқув дастурларида ўзига яраша камчиликлар мавжуд:

- кириш қисмида фаннинг долзарблиги ва аҳамияти тўлиқ очиб берилмаслиги;
- фанни ўқитишда мақсад ва вазифаларнинг чуқур, аниқ ёритиб берилмаслиги ёки ҳаддан ташқари кўплиги;
- талабаларга қўйилаётган малака талабларининг бугунги кун талаблари асосида шакллантирилмаганлиги, бу борада ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- курсдан курсга ўтишда ёки битирувчиларда малака талабларини эгаллаганлик даражасини аниқловчи мезонлар ва кўрсаткичларнинг ишлаб чиқилмаганлиги;
- малака талабларини ишлаб чиқишда таълим олувчиларнинг касбий сифатлари (мустақиллик, ижодкорлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик) ҳамда мантиқий фикрлаш операциялари (таҳлил қила олиш, классификациялаш, солиштириш, таққослаш, умумллаштириш, хулоса чиқариш, амалиётга жорий этиш каби) каби омилларга эътибор берилмаслиги;
- ўқув дастурига жараённи лойиҳалаш механизмларини киритиш зарурияти;
- педагогик ва ахборот технологияларининг ҳамда мустақил таълимнинг тўғри талқин этилмаганлиги;
- фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатига йиллар бўйича чегара қўйилганлиги ва бошқалар.

Юқоридаги каби камчиликларни баратараф этиш билан биз замонавий ўқув дастурларнинг яратилишига эришамиз. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблайман:

- биринчидан, фан дастурининг кириш қисмида ўқитиладиган фаннинг долзарблиги ва аҳамияти, унинг мақсад ва вазифалари, унинг келажакда нима кераклигини очиб беришга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Буни фанга тегишли ҳаётий мисоллар, фан ва технологиялар, ишлаб чиқариш соҳаларида эришилаётган ютуқларни инобатга олиб ёритиб берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу албатта таълим олувчиларда фанга бўлган бошланғич мотивацияни уйғотишга, келажакка бўлган ишонч куртакларининг юзага келишига ёрдам беради;
- иккинчидан, бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда катта ўзгаришлар бўлмоқда. Республикамизга хориждан кўплаб янги техника ва

технологиялар, инвестициялар кириб келмоқда, қолаверса ўзимизда ҳам ишлаб чиқарилмоқда, янги-янги корхона ҳамда ишлаб чиқариш ташкилотлари барпо этилмоқда. Албатта эртага уларда мустақил ишлай оладиган, уларни бошқара оладиган мутахассис зарур. Шунинг учун бугунги кунда биз келажак учун тайёрлаётган мутахассисларимизга улар томонидан қўйилаётган замонавий малака талабларини аниқ, тўғри, пала-партиш қилмасдан, “биздан кетди - эгасига етди” тарзида иш қилмасдан ўрганиб, керак бўлса ушбу корхона ва ташкилотларга бориб, кўз билан кўриб, уларнинг етакчи, тажрибали мутахассислари билан ҳамкорликда шакллантириш лозим. Сўнгра ушбу тайёр малака талаблари ўқув дастурида ўз аксини топиши лозим;

- учинчидан, амалдаги ўқув дастурларида соатлар тақсимотини жадвал шаклида бериш. Ўқув режадаги фан мавзуси соатлари тақсимоти ўқув дастурида ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ. Чунки, педагог дастурни очганда соатларни излаб юрмайди, ўқув режасига мурожаат қилмайди. Бу ишни осонлаштиради ва вақтни тежайди;

- тўртинчидан, ўқув дастурида фанни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш деб: ақлий хужум, бумеранг, синквейн, концептуал жадвал каби интерфаол усуллар ёзилганини кузатамиз. Ахир улар педагогик технологиялар эмас-ку, улар педагогик технологиялар асосида яратилган интерфаол усуллардир. Ахборот технологиялари бўйича эса бирон бир технология номи ёзилмаган.

Демак, бу нотўғри ёндашув ва талқин. Шунинг учун бундай камчиликларни бартараф этиш учун қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

фанни ўқитишда фойдаланиладиган замонавий педагогик технологиялар:

- таълим олувчининг ижтимоий ва билиш фаоллигини таъминлашга йўналтирилган - шахсий-инсонпарварлик;

- ўқув жараёнининг технологик даражасини тўлиқ ифодалаш, амалда жорий этишга йўналтирилган – лойиҳалаш;

- мустақиллик, ташаббускорлик, тadbиркорлик, ҳамкорлик, ижодкорлик компетентлигини шакллантиришга йўналтирилган - муаммоли ўқитиш;

- таълим олувчида ижодкорлик, янгилик яратиш қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган - эвристик ўқитишни эътиборга олиш.

Педагогик технологиялар асосида яратилган интерфаол усуллар деб, бунда таълим олувчининг:

- мустақил ва ижодий ишига йўналтирилган - кичик гуруҳларда ижодий изланиш;

- билим доирасини, илмий дунёқарашини кенгайтириш, илмий мақола, рисола ва китоблар билан таништириш орқали, билим олиш ва фанга бўлган қизиқишини орттириш, аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакасини янги



вазятларда қўллаш орқали янги билимларни эгаллашига йўналтирилган - эркин фикрлаш;

- тинглаш ва мулоқот қилиш кўникмасини, турли нуқтаи назардан тушуниш малакасини ривожлантириш, баҳсли масалаларни ҳал қилиш, таҳлилий мушоҳада юритиш ва фикрлаш лаёқатини ошириш, ўз фикрини шакллантириш маҳоратини мустаҳкамлашга йўналтирилган - танқидий тафаккур;

- фаолият, мулоқат, ҳамкорлик, турли ҳаётий ҳодисаларни бошдан кечиришга йўналтирилган – дискуссия;

- фикрини ҳамда мавзуга бўлган муносабатини аниқлаш, мустақил ҳолда умумий бир фикрга келишига ва тўғри хулоса чиқаришига ёрдам бериш, эркин ҳолда баҳслашишга йўналтирилган – мулоқот;

- шахсий функциясини долзарблаштиришга, унинг муҳим танлашни амалга ошириш тажрибасини тўплашга, танқидий қабул қилишга, ҳаёжонли муаммоларни ижодий ечишга рефлексияга махсус йўналтирилган – диалог;

- мустақил ишлаш кўникмаси, ижодий фикрлаш қобилияти ва жамоани бошқариш, ечим қабул қилиш ҳамда уни бажаришни ташкил этиш малакасини ривожлантиришга йўналтирилган – ўйинни эътиборга олиш.

Ахборот технологиялари деб: дастурлаштирилган, автоматлаштирилган, чизиқли технологияларга эътиборни қаратиш;

- бешинчидан, лойиҳалашни ўқув дастурларига киритиш. Бу жуда муҳим. Маълумки, педагогик технологияларнинг асосий вазифалардан бири бу, фаолиятни, жараёни лойиҳалаш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу фан дастурида ўз аксини топиши керак. Жараёни лойиҳалашда:

- мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда ўқув мақсадлари (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи)ни аниқлаштиришни;

- ўқитишнинг технологик усуллари вариантларини тузишни;

- ҳар бир вариантни баҳолаш ва оптималини танлаш яъни, лойиҳаланаётган жараённинг умумий моделини яратиш ва моделлаштиришни;

- танланган технологик усулни амалга ошириш йўллари, яъни педагогнинг таълим оловчилар ўқув-билиш фаолиятини бошқариш бўйича дидактик фаолияти тизимларини ишлаб чиқишни;

- жараёни моддий-техник таъминлашни танлаш кабиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим;

- олтинчидан, мустақил таълим, мустақил ишни тўғри талқин этиш. Кўпчилик ўқув дастурида лаборатория ишлари, мустақил ишлар, семинар машғулотлари алоҳида-алоҳида ёритилган. Ахир, буларнинг барчаси мустақил таълим шаклларига киради-ку. Шунинг учун ҳам уларни фан дастурида “мустақил таълим” номи билан алоҳида параграф қилиб ёритиш лозим.

Шу билан бир қаторда, айрим фан дастурларида барча мустақил таълим топшириқларини бажариш шакли сифатида фақат “реферат ёзиш” берилганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳозир модадан қолди-ку. Бугунги кунда таълим олувчиларга реферат ёзиш керак десангиз, улар АРМдаги ёки Интернетдаги тайёр маълумотларни кўчириб ёзиб келишади. Шунинг чун ҳам ҳозирда уларга касбий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли вазиятларни яратишга оид, шунингдек, муаммоли савол ва топшириқларга жавоб топишга қаратилган вазифаларни кўпроқ беришимиз мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида уларнинг ўз устларида мустақил ишлашларига, АРМ ва Интернет тармоқларида изланишларига, тажрибали педагоглар билан ҳамкорлик қилишларига, уларнинг у ёки бу манбалардан маълумотларнинг кўчириб олишлари олдини олишга ёрдам беради;

- еттинчидан, , охириги 10-15 йил ичида фойдаланган адабиётлар бўлиши керак дейилган. Бу айниқса, педагогика йўналишида мантиққа тўғри келмайди. Чунки, бугунги кунда аждодларимиз, авлодларимиз, боболаримиз тузукларидан фойдаланмасликнинг иложи йўқ. Шунинг учун фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатига йиллар бўйича чегара қўймаслик керак.

#### ЯКУН

Шундай қилиб, илғор хориж тажрибаларидан фойдаланган ҳолда ўзимизнинг тизимлаштирилган таълим сифати борасидаги амалга ошириладиган ишларни умумлаштириш ва ҳаётда қўллаш бугунги кунда жуда долзарб Шу мақсадда, кейинги пайтларда ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш муҳим вазифалар этиб белгиланди. Бу ўз навбатида таълим муассасаларида ўқитиладиган барча фанлардан ўқув машғулотларини ташкил этиш ва улар асосида таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришда замонавий талабларга, педагогик ва ахборот технологияларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этади ҳамда таълим олувчиларнинг ҳаётий тажрибаси, эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда имкониятларига таянилади.

Бу вазифаларни амалга ошириш орқали малакали мутахассисларни тайёрлашда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланиш, унинг асосида ўқув машғулотини ташкил этишга таълим муассасаларида янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур. Чунки, ўқув машғулоти жараёни педагогик ижодкорликнинг асосий майдони бўлиб, уни ташкил қилиш ва бошқаришга тўғри, инновацион ёндашув таълим олувчиларни билим олишга, мустақилликка, ижодкорликка, ташаббускорликка, ҳамкорликда ишлашга, касбий компетенцияларни чуқурлаштириш орқали таълим сифатига эътибор беришга жалб қилади.

Таълим сифатини оширишдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, бу йўлдаги мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш, бунинг учун жаҳонда тан олинган тажрибалардан фойдаланиш, ахборот технологияларини педагогик технологиялар билан уйғунлашган ҳолда қўллаш бўлажак мутахассис кадрларнинг касбий тайёргарлик сифатини яхшилашга хизмат қилади, бу жараён самарадорлигини оширади. Таълим мақсадларини ойдинлаштириш, ўқитиш ва ўзлаштириш жараёнларида қўлланиладиган турли технология ва усуллардан фойдаланиш, мазмунга эътиборни қаратиш таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга олиб келади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 06/20/6108/1483-сон)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон Қарори. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 07/20/4884/1484-сон).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонун”. ЎРҚ-637-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон фармони.
6. Турғунов С.Т. Таълим тизими: бошқарув тамойиллари ва янгича ёндашувлар // Ж. Касб-хунар таълими. -Т., 2006. -№3, -Б. 2-4.
7. Иноятов У. Таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш // Ж. Касб-хунар таълими. Т., 2004. –№1, – Б. 2 –5.
8. Мавлянов А., ва б.қ.лар. “Илғор педагогик технология бўйича ўқув машғулотини лойиҳалаш”. Замонавий таълим. 2016. №2. Б.25-29.
9. Мавлянов А., ва б.қ.лар. Ўқув машғулотларини ташкил этишда таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. Тафаккур бўстони нашриёти. Тошкент, 2013. 142 б.
10. Мавлянов А., ва б.қ.лар. Педагогик технология тамойиллари асосида машғулот машғулотларини олиб бориш технологияси. Ўқув-услубий қўлланма. - Тошкент: Вориc, 2010. - 117 б.